

2007. – Б. 15-23; Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. K. 1 / Mas'ul muharrir: A. Sagdullayev; Taqrizchilar H.Sodiqov va boshq. – T., «Sharq», 2010. – B. 7-8; Эшов Б.Ж. Ўзбекистон тарихини даврлаштириш масалалари. / Ўзбекистон тарихини ўқитиш муаммолари: тажриба ва истиқболлари илмий-услубий анжумани материаллари. – Т., 2011. – Б. 222-227; Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. / А.Асқаров. – Т., «O'zbekiston» NMU, 2015. – Б. 69- 90; Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи: (Энг қадимги даврлардан Россия босқинига қадар). // Масъул муҳаррир: Б.Аҳмедов / . – Т., «Sharq», 2001; Сагдуллаев А., Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи (қадимги даврлардан XIX асрнинг ўрталарига қадар). – Т., «Akademiya», 2006.

3. <https://lex.uz/ru/docs/6449095>

4. <https://lex.uz/uz/docs/-6445145>

5. <https://oak.uz/page>

6. <https://oak.uz/page>

МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ИККИНЧИ БОСҚИЧИ ВА ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛЛАР (СУРХОНДАРЁ ОКРУГИДА МИСОЛИДА)

Менглибоев Акмал Холтўраевич,

Денов тадбиркорлик ва педагогика института
тарих ва фалсафа кафедраси ўқитувчиси
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация. Бизга маълумки 1920-1935 йилларда мамлакатда кескин сиёсий вазият юзага келди. Бир томондан ташқи хавф, иккинчи томондан ички кескинлик амирни ўз қуролли кучларини такомиллаштиришга мажбур қилди. Шу мақсадда мамлакат бўйлаб сафарбарлик эълон қилиниб, 20-45 ёш оралиғидаги йигитлар қўшинга чақирилди. Қўшин етти қисмга бўлинди. Мақолада Сурхон воҳасида ҳам Совет ҳокимиятини ўрнатиш чоралари кўрила бошланганлиги ва шу муносабат билан Термиз шаҳар совети қайта ташкил қилинганлиги ҳақида маълумот оламыз.

Калит сўз: Мустафокулбек, «Мукаддас ислом учун!»; «Она-тупроқ мустақиллиги учун!», Англия империализми, Иброҳимбек.

Аннотация. Как известно, в 1920-1935 годах в стране возникла напряженная политическая обстановка. С одной стороны, внешняя опасность, а с другой стороны, внутреннее напряжение заставляли эмира совершенствовать свои вооруженные силы. С этой целью по всей стране была объявлена мобилизация, и в армию призывались юноши в возрасте от 20 до 45 лет. Армия была разделена на семь дивизий. В статье мы узнаем о шагах, предпринятых для установления советской власти в Сурханском оазисе, и реорганизации Термезского городского совета в связи с этим.

Ключевые слова: Мустафокульбек, «За Священный Ислам!»; «За независимость Родины!», Британский империализм, Иброҳимбек.

Abstract: As we know, in 1920-1935, a tense political situation arose in the country. On the one hand, the external danger and on the other hand, the internal tension forced the emir to improve his armed forces. For this purpose, mobilization was announced throughout the country, and young men between the ages of 20 and 45 were called to the army. The army was divided into seven divisions. In the article, we will learn about the steps taken to establish Soviet power in the Surkhan oasis, and the reorganization of the Termiz City Council in this regard.

Key word: Mustafokulbek, «For Holy Islam!»; «For the independence of the motherland!», British imperialism, Ibrohimbek.

Совет даврида мавжуд сиёсатга ишонтириш, халқнинг тинч-тотув яшашига бўлган муносабатини таъминлашда большевистик тарғибот устунлик қилади. Муҳолифатдаги

кучлар тарафидан олиб борилган мафкуравий ишлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ҳаракатлари ва ҳаттоки, оташин нутқлар, дўқ-пўписалар, камситишлар, баландпарвоз гаплар, уруш-жанжал ичида қолган халқ ниҳоятда эсанкираб, кимга ишонишни, қайқа эргашишни билмагангидек қолган эди. Бундай шароитда ҳарбий устунликка эришган совет ҳукумати ишга дадил киришиб, сиёсат майдонида бошқарувни ўз қўлига олади. Шеробод, Денов, Сариосиё, Бойсун, Юрчи, Жарқўрғон, Боботоғ ҳудудларида Хуррамбек бошлиқ Ҳайит кал, Мустафоқулбек, Раҳмонбек, Раҳмонберди, Салом калта, Соҳиб командир, Берди Додхо, Ўтанбек, Аҳмадхон эшон ва бошқа курашчилар тенгсиз жанглarda қизил армия қўшинлари ва совет ҳукумати тарафдорларига қарши «Муқаддас ислом учун!»; «Она-тупроқ мустақиллиги учун!» кураш олиб борадилар. Ҳар икки тараф ғалаба учун кескин кураш олиб бориб, қўплаб кишилар қурбон бўладилар. Минглаб гектар экинлар, боғ-роғлар пайҳон қилиниб, асрлардан буён сақлаб келинаётган маданият обидалари вайрон этилиб, халқ аёвсиз таланиб, бор-будидан ажралади. Шарқий Бухоро ҳудудидаги тоғли ўлкаларда 1924 йил январ ойида миллий-озодлик курашлари олиб бораётган 24 та гуруҳ бўлиб, уларда 1740 жангчи бор эди[8:17].

Сурхондарё вилояти ҳудудида 1924 йил миллий озодлик ҳаракатларига Турди тўксабо, Берди Абдураззоқ, раҳбарлигида 2170 киши иштирок этди. Бу ҳаракатга йирик ер эгалари чорвадорлар, хунармандлар ҳамда хунармандчилик, қосибчилик устaxonалари эгалари иштирок этдилар. Чунки собиқ совет ҳукумати феодал бойлар ва диндорларга қарши кураши никоби остида маҳаллий аҳолини мол-мулкани тортиб олиш ҳамда босқинчилик ва талончилик билан шуғулланиши оқибатида халқ оммаси бу сиёсатдан норози бўлган эди. Миллий урф-одатлар, миллий камситиш сиёсати гўёки, босмачиликка қарши кураши никоби билан боғланган эди. 1925 йил 8 августда Мустафоқул раҳбарлигидаги халқ озодлик гуруҳи тинимсиз олиб борган кураши натижаси Туркистон сиёсий бошқармаси раҳбарлари жиддий ташвишга тушиб, ушбу ҳаракатни шафқатсизлик билан бостирди. Натижада қўплаб беғуноҳ аҳоли ҳам кириб ташланиб, мол-мулки тортиб олинди ҳамда яшаб турган жойидан қувғин қилинди.

Мустабид тузум ўзини босқинчилик ҳаракатларини яшириш мақсадида маҳаллий аҳоли орасида миллий озодлик курашини олиб бораётган кучларни босмачиликда айблаб, уларнинг ҳаракатларини қўллаб қувватламасликка чақирди. Аммо Иброҳимбек истиклолчиларни бирлаштириб, уларнинг сафини 2500 кишига етказди, аммо маҳаллий аҳоли узок давом этган бу ўзаро курашлардан тинқаси қуриган эди. Бу курашларда муҳим стратегик жой бўлган Бойсуннинг ўрни ниҳоятда катта эди. Икки ўртадаги жанглар вақтида Бойсун бир неча бор қўлдан-қўлга ўтиб туради.

Умуман Сурхон воҳаси: Боботоғ этаклари, Шеробод, Денов ва Юрчи мавзелари қўплаб шиддатли жангларнинг гувоҳи бўлади. Бироқ Анвар Пошшонинг ҳалокати ва Салим Пошшонинг Афғонистонга чиқиб кетиши оқибатида бутун Бухородаги қизил армияга қарши ҳаракат Иброҳимбек тимсолида яна аввалгидек ўзининг ягона қўмондонига эга бўлди[6]. Иброҳимбек Ғарбий Бухоро (Бухоро, Кармана ва Нурота вилоятлари)даги қўрбошилар гуруҳларига умумий раҳбарликни ўз қўлига олди.

Иброҳимбек миллий озодлик ҳаракатига раҳбарлик қилиб, маҳаллий аҳолини қўллаб қувватлаши туфайли Бухоро амирига 10 минг бухоро тангаси, 2000 қўй, 300 от, 30 туя юборди. Миллий озодлик ҳаракати иқтисодий-сиёсий Маркази Лоқай вилояти бўлиб, маҳаллий аҳоли Миллий озодлик ҳаракатини қўллаб қувватлади[9:97]. 1923 йилда Россия Туркистондаги ватанпарварлик ҳаракатини тамоман йўқ қилиш учун катта ҳарбий куч ташлайди. Бу кучлар асосан Шарқий Бухорода ҳаракат қилаётган Иброҳимбек қисмларига қарши ташланганди. 1923 йил ноябрда совет ҳокимияти Лоқайда ер-сув ислоҳоти ўтказиб, маҳаллий деҳқонларга ер-сув бериш эвазига Миллий озодлик ҳаракатидан қалғитиш, маҳаллий озодлик курашчиларини “босмачиликда” айблаб, Совет ҳукумати Лоқайла аҳолини ўзига ағдариб олиш учун 120 тонна буғдой, 35 тонна кунгли халқ ҳисобидан олди. 160 тонна буғдой экиш учун берилди[5:137]. 1923 йил сентябрда Иброҳимбек Ўрта қайнар қишлоғини эгаллаб, бу-

тун озодлик кучларини туплаб, Қизил Армия билан кучли жанглари олиб бориб, кучлар тенг бўлмаганлиги туфайли 200 кишидан ажралиб 2 кунлик зарбалари туфайли Етимтоғ ҳудудида ҳал қилувчи тангларида 500 кишидан ортиқ миллий озодлик ҳаракати қатнашчилари ҳалок бўлди. Натижаа Иброҳимбек 1923 йил октябрда Ҳисордан чекиниб Боботоғ тизмаларига чекиниб Сурхондарё ҳудудига кириб келди[2:437].

1923 йил октябрда Қизил Армияга қарши шиддатли жанглари олиб борилиб, Иброҳимбек 3800 кишилиқ миллий озодлик ҳаракатига раҳбарлик қилиб Жонлик қишлоғида Қизил Армияни мунтазам қуролланган армия билан шиддатли жанг олиб бориб, ҳал қилувчи зарбалар берди. Иброҳимбек раҳбарлигидаги Миллий озодлик ҳаракатини бостириш учун Совет ҳукумати 1-чи махсус отлик армиясини тўлиқ қуроллантириб, 800 қилич, 720 найзали милтиқ, 5 та станновой ва 16 та қўл пулемети билан таъминланди. Шунингдек Шарқий Бухородаги Миллий озодлик ҳаракатини бостириш мақсадида мунтазам Қизил Армия қўшинларига 1425 қилич етказиб бериб, махсус тайёрларликдан ўтган 279 та пиёда ва 3306 отлик қўшинларини сарфарбар этди[10:48-49]. 1923 йил декабр охирида мунтазам Қизил Армия қўшинларига қарши Иброҳимбек янги миллий озодлик кучларни бирлаштириб кучли зарбалар берди. Маҳаллий аҳоли Иброҳим қўшинларни қўллаб-қувватлаб, озиқ-овқат, ем-хашак ҳамда кийим бош билан таъминлади. Шарқий Бухоро кучли уруш алнгасига айланиб, йирик қўрбоши уюшмалари бирлашиб, шарқий Бухорода Совет ҳокимиятни хавф остига салиб қўйди. Совет ҳукумати Иброҳимбек раҳбарлигидаги миллий озодлик ҳаракатини бостириш мақсадида бутун чоратадбирларни ишга солиб, нуфузли дин раҳнамоларни, эшон, муфтийларни мажбурлаб Иброҳимбекни Армия жосуси, Ватан хоини, камбағал бечора кашшоқ халқни бошига кулфат келтирувчи шахс даражасига тушунтиришга мажбур қилди.

1924 йил январда Совет ҳукумати Бухорода махсус Диний уламолар йиғилишини ўтказиб, ушбу йиғилишда босмачиларни, революция душманларни жосусларни Совет ҳукуматини ва меҳнаткаш халқни душмани деб эълон қилиб махсус баённома эълон қилди. Бухоро халқига гўёки ҳақиқий халқ душмани “Англия империализмни бўлиб, Англия бутун исломни очик душман. Бизни душманимиз ўта айёр, ёвуз ҳамда ваҳший бўлиб, ушбу душман Шарқдан то Ислом марказига бўлган ҳудудларда ёвузлик ишларни олиб бормокда”. Англияга қарши бутун ислом ва мусулмон дунёси ўтли ва кучли курашга бирлаштишимиз, Англияга қарши кураш йўлида ҳалок бўлиб исломни поклигини сақлабга бутун халқни курашга чақирамиз, деган хитобнома эълон қилинди[11:29].

Ушбу баённома очик ҳолда баланд товуш билан йиғилиш қатнашчиларига ўқиб берилиб, Англияни ёвуз ниятларини қўллаб қувватлаётган, жосуслик қилаётган кучларга қарши кучларни бирлаштириш, Қизил Армияни оммавий қўллаб қувватлаш масаласи чақириқни бош мавзуси қилиб олинди. Совет ҳукумати топшириғи билан Бухорони катта эшони ҳожи Домулло Донахон раҳбарлигидаги элчилар Иброҳимбек ҳузурига юборилиб, қаршилиқ кўрсатиш бефойда эканлигини, Совет ҳукуматига таслим бўлиб, қуроллар топширишни таклиф этди. Бироқ Иброҳимбек ўз кураши йўлини Англия империализми учун эмас балки Ватан мустақиллиги, озодлиги учун сарфлашга бағишлагнлиги қайд этиб, Совет ҳукуматига таслим бўлмаслигини қайд этди[1:394]. 1924 йил бошларида Ўрта Осиё миллий озодлик ҳаракати деярли бостирилиб, Анварпошшо ва Салим раҳбарлигидаги ҳаракатлар тўлиқ бостирилган бўлсада, Ўрта Осиёда Иброҳимбек раҳбарлигидаги миллий озодлик ҳаракати кучайиб, ушбу озодлик курашни Бухоро Амири Саид Олимхон Афғонистонга туриб қўллаб қувватлаб, Эрондаги Машҳад банки ҳисобидан маблағ билан таъминлаб турди. Иброҳимбек Шарқий Бухородаги кичик миллий озодлик дасталарни бирлаштириб, ушбу ҳаракатга Тожикистонни Лоқай вилояти асосий таянч бўлди[3:94].

1924 йил февралда Қизил Армияни мунтазам армияси Лоқай вилоятини ингичка қишлоғида Иброҳим қўшинлари билан ҳал қилувчи жанг олиб бориб, кучлар тенг бўлмаслиги туфайли катта кучлар йўқотиб, чекин деб, Афғонистон ҳудудига ўтиб кетди. 1924 йил ёзида Иброҳимбек 600 кишилиқ катта қўшин билан Тожикистоннинг Панж дарёси орқали ўтиб, Лоқай, Боботоғ, Бойсун ҳудудларни эгаллаб Қизил Армия қўшинларига жиддий зарбалар берди[12]. Совет

ҳукумати бутун чора-тадбирларини ишга солиб, мукаммал қуролланган мунтазам армияни сафарбар этиб 1924 йил охирида Иброҳимбек раҳбарлигидаги миллий озодлик кучларига қарши ҳужумга ўтди. Ушбу ҳаракатда Совет ҳукумати турли воситаларни ишга солиб, миллий озодлик ҳаракати кучларига қарши иғво, тухматлар уюштириб, жосуслик ҳаракатидан кенг фойдаланиб, қўрбошларни бир бирига қарши қуриб, ҳатто мажбурий суръатда дин пешволарини номозлар олдидан Иброҳимбекни лаънатловчи тарғиботларга ундади. Халқни ишончини қозониш мақсадида камбағал халққа нон, дон, ер-сув берилишини тарғиб қилиб, миллий озодлик курашини олиб бораётганларни “халқ душмани” деб эълон қилиб. Уларни пешонасига “босмачи” деган тамға босилди. Совет ҳукумати 1924 йил олиб борган талончилик ва босқинчилик сиёсати асосида “босмачилик” тўла тугатилди деган баландпарвоз чақириқларига қарамай миллий озодлик ҳаракати давом этиб, миллий маънавий қадриятларни, урф-одатларини, анъаналарни сақлаб қолишга жиддий киришиб, қаршилик ҳаракатини давом эттирди.

Шарқий Бухородаги Миллий озодлик ҳаракатини бостириш мақсадида гражданлар уруш йилларида қирғин ва талончилик билан танилган. Туркистонда миллий озодлик ҳаракатларини бостиришда катта тажрибага эга бўлган Туркфронтни махсус ҳарбий қисмлари ҳисобланган. 7-Туркистон, 6-Олтой, 3-4-ўқчи дивизия, махсус қирувчи полки ва 1-2-ўқчи дивизия батолония, алоқа батальон, 13-ўқчи полк ва 1-алоҳида тожик отлик эскадриясига “тозалаш” ишларини амалга оширди[7]. Қизил Армияни босқинчилик ваталончилик қирғин сиёсати туфайли маҳаллий аҳолидан қўплаб кишилар қириб ташланди, ногирон ва майиб-мажруҳ бўлиб қолди. Совет ҳокимияти талончилик сиёсатига қарши маҳаллий аҳолини тинимсиз озодлик курашини олиб борди. Иброҳимбек халқ озодлик курашига мунтазам раҳбарлик қилиб, Боботоғ, Шероод, Бойсун ҳудудларида қаршилик кўрсатиш ҳаракатларни қўллаб қувватлаб, Қизил Армияни босқинчилик сиёсатига жиддий зарбалар берди. Қурбош гуруҳлар яқка ҳолда ҳаракат олиб бориб, Совет ҳукуматни зафарли юришга тўсқинлик қилди.

Шунинг учун ҳам Иброҳимбек бошчилигида қўрбошиларнинг қўплаб қурултойлари чақирилди[6]. Масалан, Ҳисорда 1924 йил 31 декабрда бўлган Бухоро қўрбошиларининг навбатдаги қурултойида Иброҳимбек Шарқий Бухорода ҳаракат қилаётган бутун дасталарни ягона қўмондонлик остига бирлаштириш ва уларнинг фаолиятини ошириш тўғрисида қўрбоши дасталари тузиш ва уларнинг жанг қилиш усуллари, аҳоли билан муносабатлари хусусида махсус кўрсатмалар берди. Қурултойда Ғарбий Бухородаги йирик бойлар томонидан ёрдам сўраб юборилган мактубни Иброҳимбек ўқиб эшиттирди. Мурожаатдан сўнг, Иброҳимбек Шеробод-Бойсун атрофларида қизил армия қисмларига қарши ўзининг зафарли юришларини ўтказган эди. Қурултой тугагач, унинг иштирокчиларидан бири Асадуллабек томонидан кўрғазмали машқлар ўтказилди. Иброҳимбек қўрбоши бўлса, ўзининг минга яқин йигити билан Вахш дарёсининг ўнг соҳилидан ғарбга-Сурхон воҳаси, Шеробод ва Бойсун томонга қараб, 1925 йил январ ойининг бошларида намоишкорона назорат кўриги ўтказди. Воқеалар гувоҳи Шаҳобиддин Яссавий, бироқ Иброҳимбекнинг жасур киши бўлиши билан бир қаторда айрим масалаларни ҳал қилишда шошма-шошарликка йўл қўйиб, хатолар қилганлигини гапирди. Шуниси характерлики, Иброҳимбек «Амир Олимхон фармонида бўлиб, Розий Анвар Пошшо ва Фузайл маҳдумларга ҳурматсизлик қилди». У «нихоят диловар қахрамон» бўлса-да «калта фикрли эди... Иброҳимбек муборизлар, қўрбошилар заиф бўлган, фойдасиз замонда иш бирлиги учун келди...». Иброҳимбекнинг Сурхондарё истиқлолчиларининг етакчиси Хуррамбек билан муносабатлари анча кескин эди, ҳатто Хуррамбекнинг баъзи бир хил ўзбошимчаликлари Иброҳимбекнинг жахлини чиқаради. Бу ердаги бутун қўрбошилар дасталари Иброҳимбек қўл остида бирлашиб, қизил армияга қарши қатъий ҳужумга ўтганларида Хуррамбек унга буйсунишдан бош тортиб, ўз холича иш юритган. Юқоридагилар ҳақида совет ҳуфияларининг маълумотларида ҳам сўз боради, Бухоро амири Сайид Олимхон бу низолардан хабар топгач, қўрбоши Иброҳимбек ҳузурига Бекбой Қоровулбеги деган вакилини жўнатади. Бекбой ёрдамида Сайид Олимхон

кўрбошилар ўртасидаги ихтилофларни бартараф қилишга ва энг, аввало Иброҳимбек билан Хуррамбек орасидаги келишмовчиликни йўқотишга муваффақ бўлди. Бу мулоҳазалардан Иброҳимбек фақат ўз манфаати учун кураш олиб борган, шуҳратпараст бир киши эди, деган хулоса чиқармаслик керак. У Шарқий Бухородаги истиклолчилик ҳаракатига етти йил раҳбарлик қилар экан, ўз она тупроғини босқинчи қизил аскарлардан тозалаш учун, эрк ва истиклол учун кураш олиб борган эди[13]. Фақат, Иброҳимбекнинг сиёсий дунёқарашлари чекланган бўлиб, унинг «Бухоро амирига фуқаро» эканлигини ҳам назардан қочирмаслик лозим. Иброҳимбек кўрбоши ўз қўшини сафида қаттиқ тартиб-интизом ўрната олди ва тинч аҳолини талашда қатнашган ёки бегуноҳ мусулмонларни ўлдирган аскарлар мабодо учраб қолса, улар шафқатсиз равишда жазоланар эди. Иброҳимбек томонидан қўл остидаги кўрбошилари Абдулазиз ва Абдурахмонбойга ёзган мактублари кўп жиҳатдан аҳамиятлидир. Иброҳимбек ўз мактубида Абдурахмонбойга қуйидаги сўзларни ёзган эди: «... сиз аскарларни махсус рухсатномасиз милтиқлари билан жўнатяпсиз, бу жуда ёмон».

Демак, кўрбошилар ўз йигитларини қишлоқларга милтиқлари билан юборишса, уларга махсус рухсатнома беришган, бу ҳолдан эрк ва истиклол курашчиларининг қимлиги яққол намоён бўлади. Туркистонда миллий-худудий чегараланиш ўтказилиб, совет Ўрта Осиё республикалари тузилгач, Шарқий Бухоронинг деярли барча қисми Тожикистон АССР ихтиёрига ўтди (фақат ҳозирги Сурхондарё вилояти таркибига кирган айрим туманлар бундан мустасно). Иброҳимбек кўрбоши Ўзбекистон ва Тожикистоннинг асосан тоғлиқ вилоятларида 1925-1926 йилларда ўз фаолиятини давом эттирди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ:

1. Инояттов Х.Ш. Народъ Средний Азии в борьбе против интервентов и внутренней контрреволюция. Москва. “Мисль”. 1984. - С. 394.
2. Иркаев М. История гаржданской войны в Таджикистане. Душанбе. 1971. -С. 437.
3. Иркаев М. Николаев Ю, Шарапов Я. Очерк остории советкого Таджикистана. 1917-1957. Сталинабад. 1957. - С. 94.
5. Материалы истории таджикского народа в советской период. Сталинадаб. 1954. - С. 137.
6. Ўзбекистон адабиёти ва санъати, № 28, 1994 й.
7. Краснознаменный Туркестанский М., 1976. - С. 126.
8. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 122-Фонд. 1-рўйхат, 377-иш, 17-варак
9. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 1313-Фонд, ОП.1. д 715. - С. 97.
10. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 110-Фонд.. оп.1. д.148. л. 48-49.
11. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 110-Фонд.. оп. 2. д. 530. л. 29.
12. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 122-Фонд, 1-рўйхат, 378-иш, 15-варак.

SURXON VOHASI AHLINING FRONTDAGI QAHRAMONLIKLARI

Toshov Kamoliddin,
Termiz davlat universiteti Jahon
tarixi kafedrasi o'qituvchisi,
tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Annotatsiya: Maqolada ikkinchi jahon urush yillarida o'zbek xalqining Buyuk G'alabaga qo'shgan hissasi, vatandoshlarimiz hayoti, jasorati va matonati hamda Surxondaryo viloyati ahlining frontdagi ko'rsatgan qahramonliklari, Vatan ozodligi uchun jon fido qilgan marhum azamat jangchilarning nomlarini e'zoz bilan tilga olish, ular bilan faxrlanish kabi jihatlar tadqiq etilgan.

Kalit so'zlar: front, fashizm balosi, harbiy komissariyat, xat, hayot-mamot jang, mudofaa, moddiy